



ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ШОНЛИ БАЙРАМ МУБОРАК!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 235 (8475).

8 декабрь, 1984 йил • ШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг партия, совет, ка- саба союз ва комсомол ташкилотларини, барча меҳнат- кашларини шонли сана. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси таш- киладиларининг 60 йиллиги билан қизғин табрик- лайдилар.

Россия пролетариати, Ленин партияси Ўрта Осиёнинг меҳнаткаш оммаси синфий оғинини ўйотдилар, уни чо- ризмга қарши, феодализмга қарши, ҳақиқий озодлик ва бахт-саодат учун курашга отландилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ўзбек халқининг эзу орзу ва умидларини амалга ошириш йўли- ни очди, унга ўзининг Совет давлатига эга бўлиш имко- нини берди.

Республика меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳ- барлигида, рус халқининг ва мамлакатдаги бошқа халқ- ларнинг қардошларча ёрдамида таяниб тарихан қисқа вақт ичда феодализмдан социализмга бўлган йўлни босиб ўтдилар, асрий қолоқнинг тугатдилар. Туб иқтисо- дий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг озодликка чиқарилганлиги катта социал ғалаба бўлди.

Улуғ Ватан урушининг дахшатли йилларида Ўзбекис- тонинг шонли ўғил ва қизлари бутун совет халқи билан биргаликда жанг ва меҳнатда қаҳрамонлик намунала- рини кўрсатдилар. Республика мамлакат ичкерисдаги мустаҳкам базалардан бирига айлантирилди. Бу ердан фронт жанговар техника, кийим-кечак ва озиқ-овқатни узлуксиз олиб турди, бу ерга кўчириб келтирилган аҳоли- га сиқилдирилган таъмирулик намуна. Ўзбекистон меҳнат- кашлари мамлакатнинг озод этилган районолари халқ хў- жалинини қайта тиклашга катта ҳисса қўшдилар.

Урушдан кейинги йилларида Ўзбекистон ССР ишлаб чи- қарувчи кучларини ривожлантиришда шахдам қадам қўйиб, эндиликда ахлит халқ хўжалиги комплексиди муносиб ўрин олиб турибди. Замонавий машинасозлик, электр тех- ника, химия, қончилик қорхоналари ва бошқа қорхоналар қурилди ҳамда ишлаб турибди, уларнинг маҳсулоти СССРда ва чет элларда яхши маъдум. Ярим чўл ерлар- нинг катта-катта массивлари ўзлаштирилди, қудратли ир- ригация системалари барпо этилди. Республика «оқ ол- тин» — пахта етиштириб берувчи асосий республика бў- либ қолди, ҳозир у кўп миқдорда шол, мева, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмақда. Фан ва маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш юксак да-

ражада ривож топди. Аҳолининг фаровонлиги анча ошди, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси, бутун турмуш тарзи таниб бўлмас даражада ўзгарди. Мана шуларнинг ҳамма- си КПСС ленинча миллий сиёсати, СССР халқлари қар- дошлиги ва дўстлиги ғоялари таънасининг ишонарли ва яққол намоёнлиқидир.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг ютуқлари КПССнинг катта жанговар отряди — республика партия ташкилот- нинг фаолияти билан ҳамбарасе боғланган. Ўзбекистон Компартияси партия XXVI съездининг, Марказий Коми- тет 1984 йил февраль, апрель ва октябрь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненко- нинг кўрсатмаларини бажариб, оммане марксизм-ленин- изм, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернациона- лизм ғояларига садоқат руҳида сабот билан уюштириб, тарбияламоқда. Меҳнат коллективларининг куч-гайратла- ри ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалдан, бой табиий ресурслардан янада самарали фойдаланишга, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшишга сафарбар этилмоқда. Турмуш ва фаолиятнинг ҳамма соҳаларида ушқоқликни янада оши- риш, иттизом ва тартибни мустаҳкамлаш йўли қатъият билан ўтказилмоқда. Республиканинг ишчилар синфи, қолхози деҳқонлари ва халқ зиндилари 1984 йилнинг, умуман ўн биринчи беш йиллигининг тошқирқларини ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун зўр гайрат- шижоат билан меҳнат қилмоқдалар, Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини ва КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга иштирокчилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Ко- митети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Минис- трлар Совети совет халқининг шонли революцион, жанго- вар ва меҳнат анъаналарига садоқатини Ўзбекистон меҳ- наткашлари коммунистик партия раҳбарлигида халқ хў- жалининг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга янада кўпроқ куч-гайрат сарфлайдилар. Ватанининг иқтисодий ва мулоффа қудратини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашда, мамлакатинида ривожлан- ган социализмни янада тақомиллаштиришда янги-янги муваффақиятларга эришадилар деб, қатъий ишонч бил- дирадилар.

Янаси Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси! Янаси КПССнинг жанговар отряди — Ўзбекистон Коммунистик партияси! Янаси улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Респуб- ликалари Иттифоқи!

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

ЎРТОҚ В. И. ВОРОТНИКОВ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сибирь бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Совети Раиси В. И. Воротников бошчи- лигидаги Россия Совет Феде- ратив Социалистик Республи- каси делегацияси Ўзбекистон Совет Социалистик Республи- каси билан Ўзбекистон Ком- мунистик партияси 60 йиллиги байрамда қатнашиш учун 7 декабрь кунин Тошкентга кел- ди.

Делегация составида КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари В. Г. Ключев, ВАСХНИЛ Сибирь бўлими президиумининг раиси,

ВАСХНИЛ вице-президенти академик П. Л. Гончаров, Ле- нинграддаги «Светлана» ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи- ларининг бригадир Социалис- тик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Котова бор.

Аэропортда СССР, Ўзбекис- тон ССРнинг, қардош респуб- ликаларнинг давлат байроқ- лари кўтарилди. Ўзбекистон поётахти меҳнаткашларининг Қорақалпоғистон АССР ва республика областларининг а- киллари бу ерга келдилар. Делегацияни Ўзбекистон Ком- партияси Марказий Комитети- нинг биринчи секретари И. Б.

Усмонхўжаев, Қозғистон ССР Министрлар Советининг Раи- си Н. А. Назарбаев, Қирғизис- тон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секре- тари Т. У. Усубалиев, Токи- кистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секре- тари Р. Н. Набиев, Туркменис- тон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секре- тари М. Ф. Гапуров, Ўзбекис- тон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзола- ри ва аъзоликка кандидатлари Р. Х. Абдуллаева, Е. А. Айт-

муротов, Ф. Х. Қодиров, В. К. Михайлов, М. М. Мусохонов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, К. С. Саликов, В. А. Головин, Н. Н. Махмудо- ва, У. У. Умаров, В. А. Хайду- ров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Минис- трлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, область партия комитетларининг биринчи сек- ретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари- нинг раислари кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).



А. Ҳолиқов чизган плакат.

К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ Болгария китобхоналарига мурожаатномаси

СОФИЯ. 7 декабрь. (ТАСС). Болгария Коммунистик партиясининг «Парти- задат» наприети КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Со- вети Президиумининг Раиси К. У. Черненко таълиф қилган китобини бол- гар тилида босиб чиқарди.

Тўплам К. У. Черненко- нинг болгар китобхоналари- га мурожаатномаси билан боғланади. Мурожаатномада бундай дейлади: «Партиздат» босиб чиқа- радиган мақолаларим ва нутқларим тўпламига нап- риётнинг қисқача сўзбоши

ёзиб бериш тўғрисидаги ил- тимосини зўр мамнуният бил- ан адо этаман. Тўпламга киритилган ма- териалларнинг асосий, бир- лаштирувчи мавзуи КПСС- нинг ҳозирги босқичдаги сиёсатидир. Бу — ривож- ланган социализм босқичи. Жамиятимиз бошдан кегира- ётган тарихий даврнинг бун- дай таърифига биз катта на- зарий ва амалий мазмун ба- гишламоқдамиз.

Умуман олганда ишнинг моҳияти қуйидагилардан иборат. Улуғ Октябрь ғала- басидан кейин ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз со- циалистик бунёдкорлик йў-

лидан олға томон жуда илг- римлиб кетди. Совет халқи- нинг янги жамият қурили- шдаги тарихий зафарлари социал-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқ, бутун инжимоий практиканинг социализмга хос коллективчилик асосла- рини мустаҳкам қарор топ- тирди. Бу — ўзига хос пой- девор бўлиб, бизнинг қуд- ратли экономикаимиз ана шу пойдеворда қад кўтарди, халқ фаровонлиги юксалди, социалистик демократия кенг ривож топди, совет ма- данияти гуллаб-яшнади, мамлакатнинг барча миллат- лари ва халқлари қардош- ларча бир бўлиб жинслаш- дилар. Ўйнобарин, гап ик-

тимой тараққиёт йўлидаги катта, тарихан мислсиз ға- лабалар тўғрисида бормоқ- да. Аммо бизнинг партиямиз эришилган ютуқларга муно- сиб баҳо бериш билан бир- га ҳал этилмаган проблема- ларни, бартараф этилмаган четда қолдирмайдими. Шундай проблемалар ва қийинчилик- лар, камчиликлар ва нуқсон- лар эса бизда ҳали оқ эмас. Демак, турмушимизнинг ҳамма томонларини соци- ализм тўғрисидаги энг талаб- чан олий тасаввурларга ба- тамом мос ҳолга келтириш учун қаттиқ ишлаш керак.

(Давоми 4-бетда)



Суратда: аэропортда кутиб олиш пайти.

(ЎзТАГ фотоси).

КАМОЛОТ БОСҚИЧЛАРИ

ОҚЎРҒОН азалдан пахтакор ва соҳибкорлар, чорвадор ва галлакорлар ўлкаси бўлиб келган. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари ҳам бу ерларда пахта ва галла етиштирилган.

Районимиз 1935 йилда ташкил этилган эди. Ушанда кичик-кичик қаргалар пахта етиштирилган бўлса, ҳозир «оқ олтин» майдонлари 19 минг гектардан ошиб кетган. Шу майдонлардан йилга 65 минг тоннага етказиб «оқ олтин» йиғиштириб оламдодимиз.

Оқўрғонликлар республика юбилейини ҳар соҳада катта ютуқлар билан кутиб олдилар. Давлатта дон, пилла, гўшт, сут, сабзавот, мева-узум, тухум ва бошқа хил қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари топириш планлари орти билан адо этилди. Давлатта пахта сотиш плани ҳам баърақат адо этилди. Ҳосилдорлик 32 центнердан ошди.

Утган йиллар мобайнида районимизда кўплаб Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, дондор пахтакорлар, моҳир ташкилотчилар етишиб чиқди. Ҳар қандай ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ деб бекиш айтилмайди. Ҳозир раҳбар кадрлар, бош мутахассисларнинг деярли барчаси олий маълумотга эгадир.

Кадрларни танлашда уларнинг сиёсий етуқлигига, ишчанлигига ва билимдонлигига, масъулиятини ҳис этиши ва ташкилотчилик қобилиятига алоҳида эътибор берилмоқда. С. Сегизбоев номли совхоз директори Қ. Алимбетов, «Ленинизм» колхозини раиси Ғ. Музаффаров, «Коммунизм» колхозини раиси Н. Мадаминов каби ишлаб чиқариш командирлари ма шундай фахшадларга эгадирлар.

Урта бўғин кадрларни айтмайсизми?! Пахтачиликдаги муваффақиятлар асосан шуларнинг уздабуронлиги ва ишчанлигига боғлиқ. Эндиликда бригадир моҳир пахтакор бўлибгина қолмай, иқтисодчи, ташкилотчи, сиёсий тарбиячи ҳамдир. Бундай командирлар бизда оғмас. С. Сегизбоев номли совхоздан Н. Бекаев, Д. Бердиқулов, «Ленинизм» колхозидан Ш. Есенбеков, С. Ғўсубоев, «Ленинбод» колхозидан Д. Алиев, Навоий номли колхоздан С. Икромов, «Оқўрғон» совхозидан Т. Аҳмадалиев каби коммунистлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг аъзолари бу йилги қийин об-хаво шароитида ҳам мардонавор, ҳалол меҳнат қилиб, пахта тайёрлаш планларини районда биринчилар ҳатари адо этидилар. Ҳосилнинг 70—80 проценти биринчи сирта топириди.

Меҳнат коллективларининг сиёсий

ўзига бўлган бошланғич партия ташкилотлари юбилей йили план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишида катта роль ўйнамоқдалар. Ҳозир районда 3 мингта яқин коммунист бўлиб, уларнинг 2 мингдан ортиғи бево-сита қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида меҳнат қилмоқда. Коммунистлар 83 та бошланғич, 113 та цех партия ташкилотлари ҳамда 44 та партия группасига бирлашганлар. Район партия комитети қуйи ячейкалар жанговарлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда.

Партия ташкилотларининг бутун эътибори юбилей йили маррасини барвақт эгаллашга қаратилди. Шу мақсадда меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари ва маданий дон олишлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Терим даврида 117 та дала шийони 31 та мавсумий болалар боғчаси ишлаб турди. Медицина, савдо, маданий-маиший хизмат даражаси оширилди.

Юбилей йили ҳамма жойда интизом ва ушўқоқликнинг қарор топанлиги, ҳалоллик ва тўғрилиқнинг тантана қилганлиги билан характерланади. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI, XVII пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида намунали тартиб ўрнатмоқдамиз.

Юбилей йилида Оқўрғон шаҳрида, Алимкент посёлкасида ҳар бири 280 ўринли иккита болалар боғчаси қурилди, аҳоли пунктларида қўшмача савдо, маданий-маиший хизмат объектлари ишга туширилди.

Эришилган муваффақиятлар қанчалик салмоқли бўлмасин, янги ҳўжалик йилида олдимида яна ҳам улкан ва-зифалар турганлигини тўла ҳис этмоқдамиз. Беш йилликнинг якуновчи йилида пахта, дон, сабзавот, полиз экинлари ҳосилдорлигини ва чорва маҳсулдорлигини бу йилги даражадан анча оширишни мўлакалмоқдамиз. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларига жавобан суғориладиган экин майдонлари самардорлигини ўстиришимиз, ўртоқ К. У. Черненко-нинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида сўзлаган нутқида ол-та сурилаган вазифаларни оғшимай амалга оширишимиз лозим. Район коммунистлари, барча меҳнаткашлари бу вазифаларни бажаришни ўзларининг партия-вий ва граждандлик бурчлари деб билимоқдалар.

3. МАҲСУМОВ,
Оқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.



Республикаимизда тур-ли миллат вакиллари аҳд-лик ва инқилиб билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Улар-нинг қон-қардошлиги КПСС ленинча миллий сиёсати тан-танасининг ёрқин тимсоли-дир. Дўстлик ва ҳамкорлик туғайли ҳам Ўзбекистон эко-номикаси ва маданиятини ривожлантиришда улкан муваффақиятларга эришил-моқда.

Суратда: Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тантаналарида иш-тирок этиш учун келган рес-публикамизнинг турли мил-лат вакиллари маусуб иш-чилар синфи, колхозчи деҳ-қонлар ва халқ эиёлилари-нинг энг яхши намоёндалар-идан бир гуруҳи.

В. Портнов фотолари.



Р. САФАРОВ,
Бўқа районидagi Тимирязев номи колхозининг меҳнатзотари

— ҲўЖАЛИГИМИЗ деҳ-қонларининг юбилей йилидаги меҳнатлари гоёт самарали бўлди. 1052 гектар ерининг ҳар гектаридан салкам 42 центнердан ҳосил йиғиб олинди, оширилган социали-стик мажбурият ҳам муваф-фақиятли бажарилди.

Бунга осонликча эришма-дик. Эрта баҳордан ҳамма бир жон, бир тан бўлиб меҳ-нат қилди. Ердан, техника-дан ва бошқа моддий ресурс-лардан самарали фойдала-

ТОШКЕНТ обла-сти территория-сининг атиги 3,5 процен-тини эгалласа ҳам ялли дон ҳосилининг салкам 10 процетини, картош-канинг 40 процетдан кўпрогини, сабзавотнинг 27 процетини берапти.

ОБЛАСТДА 35 та сутчилик комплекси, 37 та гўшт етиштирувчи ҳў-жалик, 2 та йирик чўқча-чилик комплекси, 3 та ихтисослаштирилган пар-рандачилик фабрикаси ишлаб турипти.

ҲОЗИР Ўзбекистонда ҳар уч инженер-нинг бири, икки ўқитувчининг бири хотин-қиз-лардир. Республикадаги барча врачларнинг ярмидан кўпрогини хотин-қизлар ташкил эт-япти. Хотин-қизлар орасида 113 фан доктори, 3509 фан кандидати бор. 45 мингдан кўпроқ хотин-қиз депутат қилиб сайланган, шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг 28 процетини хотин-қизлар ташкил этади.

СЎЗ—ЮБИЛЕЙ МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИГА



Р. САФАРОВ,
Бўқа районидagi Тимирязев номи колхозининг меҳнатзотари

— ҲўЖАЛИГИМИЗ деҳ-қонларининг юбилей йилидаги меҳнатлари гоёт самарали бўлди. 1052 гектар ерининг ҳар гектаридан салкам 42 центнердан ҳосил йиғиб олинди, оширилган социали-стик мажбурият ҳам муваф-фақиятли бажарилди.

Бунга осонликча эришма-дик. Эрта баҳордан ҳамма бир жон, бир тан бўлиб меҳ-нат қилди. Ердан, техника-дан ва бошқа моддий ресурс-лардан самарали фойдала-

ниш учун мусобақа авж ол-дирилди. Агротехника тад-бирларини амалга оширишда сифатга эътибор берилди. Шунинг учун гектарларда кўчатлар бут, ҳосил мўл бўлди.

Ҳосилини ўз кучимиз бил-лан, машиналар ердамида йиғиб оламиз! Колхозимиз пахтакорлари ана шундай та-шаббус бошладилар. Улар бу аҳдларининг уддасидан чиқиб учун ҳамма имкони-ятларини ишга солдилар. Да-лалар машина теримига си-фатли тайёрлаиб, дефолиа-ция муддатида ўтказилган-лиги туғайли машиналар-нинг иши унумли бўлди. Плании областда биринчилар қатори бажардик. Ана шун-дан кейин мажбурият учун кураш бошладим.

Эришилган меҳнат галаба-сида менинг ҳам ҳиссам бор-лигини фахрланаман. Ҳам-касбларим А. Ҳасанов, Е. Остонаев, А. Ҳасанов, Е. Нишонқуловлар билан мусо-бақалашиб меҳнат қилдим. Машинада терган пахта 100 тоннадан ошиб кетди. Айни кунларда нелгус йил ҳосил-га замин тайёрлаш ишла-рида ҳам актив қатнашмоқ-дамиз.

Х. УМАРОВА,
Бекобод районидagi Ленин номи колхозининг сут соғувчиси

— БИР неча йилдирки, ҳўжалигимизда пахтачилик билан бир қаторда чор-вачиликни ривожланти-риш соҳасида ҳам катта иш-лар амалга оширилмоқда. СССРнинг Озиқ-овқат про-граммаси бажарилишига му-носиб ҳисса қўиш учун ас-тойдил деб боғлаган ферма-миз ҳодимлари бу йил гўшт, сут етиштиришга кўпайти-ришда янги марраларни бел-гилангилар. Айни кунларда фермаимизда 1,5 мингдан ор-тиқ қорамол боқилмоқда. Шундан 427 боши соғин си-гирлар. Ҳар бош соғин сит-гирдан 4150 килограммдан сут соғиб олиш учун кураш қи-зигилган.

Шуни мамнуният билан айтишим керакки, сут со-ғувчиларимиз юбилей йили шарафига олган юксак со-циалистик мажбуриятларини бажаришда юқори кўрсат-кичларга эришмоқдалар. Хо-зиргача ҳар бош соғин си-гирдан 3858 килограммдан сут соғиб олинди.

Менга 19 бош соғин ситгир

бўжиктилган. Областиимизнинг бир группа чорвадорлари та-шаббусига қўшилиб, бу си-гирларнинг ҳар бирдан 4800 килограммдан сут со-ғиб олишга сўз берганман.

Фермаимизда чорвадорлар учун ҳамма қўлайликлар яратиб берилган. Қишлоқ-соа ўтмоқда. Сут соғувчила-римиз, молбоқарларимиз ўз-ларининг амалий меҳнатла-ри билан ўнкан кўрсатмоқ-далар. Шуларнинг сафида бўлганлигинида қўвонаман. Ўзимга олган юксак соци-алистик мажбуриятимни ша-раф билан бажариш учун куч-гайратимни аямайман.



Ш. РАҲМОНОВ,
Пискеит район.

УНИ СЕВИБ ЭЛ ЙИЛГА ОЛУР

ЮБИЛЕЙ ИНТЕРВЬЮСИ

ДОҲИЙ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ

СОВЕТ Ўзбекистонининг илм-фан тараққиетида эришадиган улкан муваффақиятлари бутун жаҳонга машҳур.

Қуйида махсус муҳбиримиз С. ҲАСАНОВНИНГ Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг прези-денти Пўлат Қирғизбоевич ҲАБИБУЛЛАЕВ билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Пўлат Қирғизбоевич, Ўзбекистон илм-фаннинг ривожига қайси йўналиш-ларни алоҳида таъкидлашни истардингиз?

— Аввало шунини айтиш керакки, Ўзбекистонда илм-фан равиқабининг бошлан-ғич, тараққиети В. И. Ленин номи билан ҳамбарчас бо-ғлиқ. Унинг кўрсатмаси асо-сида ташкил этилган Тош-кент Давлат Университети-нинг бутунги даражасини таърифлашга эҳтиёж йўқ. Республикада фаннинг гу-рунраб ўсиши туғайли таш-кил этилган Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг қатор илмий-тадқиқот инсти-тутларида энг долазар му-аммолар ҳал этилди. Рес-публика олимлари муҳим йўналишлар бўйича фунда-ментал тадқиқотлар олиб бордилар. Биринчидан, ма-тематик статистика бора-сида изланишлар катта юту-қларга олиб келган бўлса, иккинчидан ядро физикаси химия, электроника, сейс-мология, геология соҳасидаги тадқиқотлар халқ ҳўжалиги-да юксак самаралар берди. Республика илм-фан таш-килотчиларининг астрономия, механика, микробиология, кибернетика, чулларни ў-лаштириш борасидаги илмий изланишлари мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

— Фан-техника ютуқлари-ни ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш масалаларига эътибор тобора кучаймоқда. Бу борада республикаимизда олиб бориладиган ишлар ҳа-қида нималар дея оласиз?

— Дарҳақиқат, партия-мизнинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ке-йинги пленумларида, шу-нингдек, Ўзбекистон партия ва ҳўкуматининг директив ҳўжатлари ҳамда кўрсат-маларида фан-техника юту-қларини ишлаб чиқаришга тез сурувтарлар билан жорий этиш ҳаётий зарурат эканли-ги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда бу ишга ало-

ДУСТЛАРИМИЗ ТАБРИКЛАРИ

ХАСКОВО

ИВАНОВО

Совет Ўзбекистон меҳнат-кашлари учун катта тантана кунларида республикангиз-нинг барча аҳолисини, шу жумладан тошкентлик мусо-бақадор дўстларимизни шо-ли олтиш йиллик юбилей билан қизғин ва самимий муборакбод этамиз. Биз Ўз-бекистон ССР совет халқла-рининг қардош оиласида халқ ҳўжалигининг барча со-ҳаларида, маданий қурилиш-да улкан муваффақиятларга эришганликлариини жуда ях-ши биламиз. Республикангиз боллар-соед дўстлик алоқа-ларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга жуда катта ҳисса қўшапти.

Ҳасковоллик барча мусоба-қадорларингиз номидан:

Ради СТАНЧЕВ,
БХРнинг икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Марбас» кўмир кони прохотда-чилар бригадасининг бош-лиги.


Иванка ГИНЕВА,
БХР Социалистик Меҳ-нат Қаҳрамони, Жеко Димитров номли комби-нат тўқувчиси.

Р. СОКОЛОВА,
Иваново меланг комби-натининг Йигиртувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

«МАЛИКА» БИРЛАШМАСИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Республика бадий кенга-ши Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмаси келгус йилда тайёрлаб чиқаришни лозим бўлган кийим-кечакларнинг 65 та янги моделини тасдиқ-

лади. Хотин-қизлар, эркак-лар ва болаларнинг 38 та трикотаж буюми давлат Си-фат белгисига сазовор бўлди, ярмидан кўпи эса «Н» ин-декс билан белгиланди. (ЎЗТАГ).



АХУНБАБОВ

Тошкентда республикаимизда совет ҳўжамининг ўрнатилиши, Совет Ўзбеки-стонининг ташкил этилиши билан боғлиқ тарихий жойлар кўп. Пойтахтдаги Ўзбеки-стон халқлари тарихий музейида ана шу революцион воқеалар, республикамизнинг шо-ли 60 йил мобайнида босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи жуда кўп стендлар ва ҳўжатлар билан танишиш мумкин. Суратларда: (чапда) Ўзбекистон халқлари тарихий музейининг кўриниши; (ўнгда) республикамизнинг биринчи прези-денти Нўлдош Охунбобоевга ўртоқлик мозорида ўрнатилган бюст.



АХУНБАБОВ

Тошкентда республикаимизда совет ҳўжамининг ўрнатилиши, Совет Ўзбеки-стонининг ташкил этилиши билан боғлиқ тарихий жойлар кўп. Пойтахтдаги Ўзбеки-стон халқлари тарихий музейида ана шу революцион воқеалар, республикамизнинг шо-ли 60 йил мобайнида босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи жуда кўп стендлар ва ҳўжатлар билан танишиш мумкин. Суратларда: (чапда) Ўзбекистон халқлари тарихий музейининг кўриниши; (ўнгда) республикамизнинг биринчи прези-денти Нўлдош Охунбобоевга ўртоқлик мозорида ўрнатилган бюст.

ХАЛҚҚА БАХШИДА УМР

Бу воқеа 1926 йилнинг эр-та баҳоридида рўй берди. Қишлоқларда биринчи «Қи-зил Юлдуз» колхозини тузишга бош-қош бўл-ган қишлоқ Советининг секретари Р. Худойберганов иродорадаги юмшларини ту-гатиб, уйига қайтаётганда икки барзани йўлини тўсиб қиқиб, дағдаға қилди.

— Елкандаги бошинг оғирлик қилипти шекилли, а, Раҳмон ўрис? Эътиёт бўл, ундан акралиб қолма яна.

— Бойларнинг сенларга ўхшаган ювнидхўрлари энди бизни кўрғита олмайди-лар, замон биз йўқсакларни-ки бўлди. Сизларга ҳам мас-лаҳатим битта: тўғри йўлни тапданлар, колхозга кириб, сафимизга қўшилишлар.

Эртасига райондаги мак-лисдан ярим тузда қайтиб келадиганда текоқар Гик-гон аригининг кўприги ости-ла яшириниб олган номат-лум кишилар Раҳмонни от-дан йиқитиб, роса калтак-лашди. Қўл-оғини боғлаб сувага улоқтириб юборишди. Меҳнатда одабдан чиниққан, иродаси мустаҳкам Раҳмон бир амаллаб сувдан чиқиб олди. Эрта тонг маҳали шо-липога қўйилган сувдан ха-бар олгани келган деҳқон-лар унинг қўл-оғини ечиб, ёрдам беришди. Лекин туя жунидан эшилган арқон ўз-ишини қилган эди, Унинг туя ишини ногирон бўлиб қолди. Муштумзулар доворак ин-қилобчин шундай қуйга солдилар, у аммо иродасини бука олмадилар.

Уша кезларда районда бироз саводи ва ташкилотчи-лик қобилияти бор одамлар бармоқ билан санарли бўл-ганлиги учун Расфакка тузишга юборилган Раҳмонни ўзига район ижроия ко-митетига ишга қақриб олиш-ди. Шундан сўнг партия уни қаерга ишга юбормасин талабчиллиги ташкилотчи-лик қобилияти ва одамларга меҳрибонлиги билан обрў-

Бутун ҳаётини янги тур-муш учун курашга бағишла-ган отанинг хайрли ишнини бутунини кунда фарзандлари давом эттиришпти. Унинг ўртанча қизи Насоба 20 йил-дан бери ёш авлодга билим бериб, уларни коммунистик руҳда тарбиялаб келмоқда. Кичик қизи Соҳоба эса «Ленин йўли» колхозининг иллагичи бўйича агроно-ми. У бошқиб пиллакорлар ҳар йили план ва социали-стик мажбуриятларини ортиги билан бажариб, ҳўжалик эко-номикасининг юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда-лар.

Р. Худойберганов туғилиб ўсган Муротали қишлоғининг кексалари бутун куч-гайра-ти, билими ва тақрибисини халқ хизматига сарфлаган ҳамқишлоқлари номини дои-мо ҳурмат билан эста ола-дилар.

РАҲМОН Худойберганов
Пискеит, Бўқа, Оҳангарон

Ш. РАҲМОНОВ,
Пискеит район.

эътибор топди. Унинг кол-хозларини йириклаштириш, иқ-тисодий бақувват ҳўжалик-ларга айлантириш соҳасида-ги хизматлари, айниқса, на-тадир. Жумладан, у Пискеит районининг ҳозирги Свердлов номи колхози терито-риясидаги бир неча майда ҳўжаликларни бирлаштирди. Урта Чирчиқ район партия комитетига ишлаган пайтла-рида эса ҳозирги «Ленин йў-ли» колхозини териториясида жойлашган тўртта майда ҳў-жаликни бирлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Бутун-ги кунда «Ленин йўли» кол-хозини областдаги юқори хо-нисли, иқтисодий бақувват ҳўжаликлардан бири бўлиб-гина қолмай, ҳар йили юқо-ри навл иуруғлик чигит ҳам етиштириб бермоқда.

Раҳмон Худойберганов
Пискеит, Бўқа, Оҳангарон

Ш. РАҲМОНОВ,
Пискеит район.

эътибор топди. Унинг кол-хозларини йириклаштириш, иқ-тисодий бақувват ҳўжалик-ларга айлантириш соҳасида-ги хизматлари, айниқса, на-тадир. Жумладан, у Пискеит районининг ҳозирги Свердлов номи колхози терито-риясидаги бир неча майда ҳўжаликларни бирлаштирди. Урта Чирчиқ район партия комитетига ишлаган пайтла-рида эса ҳозирги «Ленин йў-ли» колхозини териториясида жойлашган тўртта майда ҳў-жаликни бирлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Бутун-ги кунда «Ленин йўли» кол-хозини областдаги юқори хо-нисли, иқтисодий бақувват ҳўжаликлардан бири бўлиб-гина қолмай, ҳар йили юқо-ри навл иуруғлик чигит ҳам етиштириб бермоқда.

Раҳмон Худойберганов
Пискеит, Бўқа, Оҳангарон

Ш. РАҲМОНОВ,
Пискеит район.

эътибор топди. Унинг кол-хозларини йириклаштириш, иқ-тисодий бақувват ҳўжалик-ларга айлантириш соҳасида-ги хизматлари, айниқса, на-тадир. Жумладан, у Пискеит районининг ҳозирги Свердлов номи колхози терито-риясидаги бир неча майда ҳўжаликларни бирлаштирди. Урта Чирчиқ район партия комитетига ишлаган пайтла-рида эса ҳозирги «Ленин йў-ли» колхозини териториясида жойлашган тўртта майда ҳў-жаликни бирлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Бутун-ги кунда «Ленин йўли» кол-хозини областдаги юқори хо-нисли, иқтисодий бақувват ҳўжаликлардан бири бўлиб-гина қолмай, ҳар йили юқо-ри навл иуруғлик чигит ҳам етиштириб бермоқда.



Раҳмон Худойберганов
Пискеит, Бўқа, Оҳангарон

Ш. РАҲМОНОВ,
Пискеит район.

ШАРҚДА МАШЪАЛ

● Тошкент тинчлик, дўстлик шахри сифатида машҳур. Советлар даврида республика пойтахти таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Осмонлар бинолар, кенг-кенг проспеклар, кўркем хиебонлар шахримиз меҳмонларини ўзига мафтун этмоқда.

● Суратларда: матбуот уйи (чапда), Халқлар дўстлиги майдони (ўртада) ва «Москва» меҳмонхонасини кўриб турибсиз. ТАСС фотохроникаси.



К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ БОЛГАРИЯ КИТОБХОНЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Боши 1-бетда).

Ҳозир биз социалистик жамиятимизни таъминлаштириш соҳасидаги ишлар ҳар томонлама кенг кўламли равишда олиб борилаётган. Айни мана шу нарса партиянинг фаолиятининг, совет кишиларининг ҳозирги кўз илғайдиган келажакдаги, яъни биз ривожланган социализм босқичи деб атаётган тарихан узоқ давом этаётган бутун давр мобайнидаги бунёдкорлик меҳнатининг мазмунини ташкил этади.

КПССнинг, совет давлатининг ленинча ташқи сиёсати ер юзидида тинчликни сақлаб қолтириш ҳамда мустақамлаш тўғрисидаги ғамхўрлик билан йўлланган. Ҳозирги мураккаб, кескин халқлар ва элларнинг ўртасидаги муносабатлар партиянинг термоядор ҳалокатига йўл қўймайди. СССР билан унинг иттифоқчилари хавфсизлигини пухта таъминлаш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилмоқда.

Ушбу тўпلام болгар китобхоналарига совет ташқи сиёсатининг программаларини йўл-йўриқлари, конкрет таълиқлар билан, ривожланган социализмни таъминлаштиришнинг кўп қиррали ва мураккаб проблема-

лари билан яқиндан танишишга ёрдам беради, бинобарин, уларга совет кишиларининг бутунги турмушини, муддаолари ва қиёқларини яхшироқ тушуниб олишларига кўмаклашади, деб ўйлайман. Шу тариқа бу тўплама халқларимиз ўртасида юз йиллар илгари вужудга келган, озошлик учун, социализм учун курашда кучайиб мустақамланган дўстлигини янада маҳкамлашга, уларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан тобора жипс-лашуви ҳам хизмат қилади.

Совет Иттифоқи ҳамда Болгария Халқ Республикаси бошқа қардош мамлакатлар билан бирга қўшни-қўлга қарий янги жамият қурилиши йўлидан бормоқдалар. Улар ўзаро Иттиқодий Ёрдам Кенгаши билан Баршани Шартномаси ташкилотидида фаол ҳамкорлик қилмоқдалар, улар иккимиз ҳам дўстона алоқалар боғлашган. Уларнинг ўзаро хўналик алоқаларини ривожлантириш ҳар иккала мамлакатимизга катта наф келтирмоқда. Мана шунинг билан уларнинг айирбошлар ҳамда хилма-хил ва самарали бўлиб келган. Ҳамкорлигимизнинг кес-

мосини тинч тадқиқ этиш қабил соҳасига ҳам эътибор бермасдан бўлмайди. Космонавтиримиз орбитада ўзларининг бирлашган ахил ишлари билан совет-болгар дўстлиги ва қардошлиги тарихига яна бир қарамонона саҳифа ёзди.

КПСС Болгария Коммунистик партияси билан ўзининг доимо мустақамланган бораётган алоқаларини ниҳоятда юксак қадрлайди. Пролетар, социалистик интернационализмнинг буюк ғоялари ва принциплари ана шу алоқаларни бутун қарорлар билан ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришда ўзининг амалий ифодасини топишмоқда.

Бу йил социалистик революциянинг 40 йиллигини нишонлаган болгар халқи ва унинг Коммунистик партияси социализмнинг интернационал таърибисини умумий хазинасига қўшган ҳиссаси билан фахрланишга ҳақлидир. Бу таъриб таърихан янги, коммунистик формациянинг қарор топшиши умумий қонуниятлар ва миллий хусусиятлар узиқ қўшиб олиб борилишини тақозо этишини тасдиқлайди.

Шу йил июнь ойида Мос-

квада ғоят катта аҳамиятга эга бўлган Ҳалқлар дўстлиги майдони (ХДМ) қурилиши бошланди. Бу майдон Болгария Коммунистик партияси билан ўзининг доимо мустақамланган бораётган алоқаларини ниҳоятда юксак қадрлайди. Пролетар, социалистик интернационализмнинг буюк ғоялари ва принциплари ана шу алоқаларни бутун қарорлар билан ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришда ўзининг амалий ифодасини топишмоқда.

Совет кишилари халқ Болгариянинг актив ташқи сиёсий йўлини ғоят қадрлашмоқдалар. Совет-Болгария дўстлиги Болкон ярим оролида тинчликни мустақамлашнинг, Умумевропа сиёсий вазиятини соғломлаштиришнинг муҳим омил бўлиб қолди. Бу дўстлик империяларнинг қуроллини пойма, урушга тайёрларлик кўриш, давлат терроризми ва зуравонлик сиёсатига қарши турган социалистик давлатлар ҳамдўстлиги тинчликсевар йўлининг мустақам таркибий қисминдир.

Болгариянинг азиз ўртоқлари ва дўстлари, сизларга тинчлик, бахт-саодат ва омон-есонлик, социалистик бунёдкорлик улуг ишида янги-янги муваффақиятлар тилашга инжозат бергайсиз.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ МЕҲМОНЛАРИНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

Ўзбекистон пойтахти меҳмонлари — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрамига келган қардош республикаларнинг делегацияларини кутиб олди.

Москва делегациясига КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари И. Д. Писарев бошчилик қилмоқда. Москва шаҳар Иднов район партия комитетининг биринчи секретари Р. В. Жукова, пойтахт Люблино район совети ижроия комитетининг раиси В. С. Столяров, «Главлестрой» бошчилиги ўринбосари А. К. Шрейбер, КПСС Москва шаҳар комитети секретарининг

ёрдамчиси С. Ф. Семенов делегацияни қутқиб олди.

Қозғоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбаев республика делегациясига бошчилик қилмоқда. Делегация составида Қозғоғистон ССР халқ артисти Алибек Диниев, Чимкент облатидаги Задарь насллик заводининг директори Б. Шукрбеков, Олмаота ил-газлама комбинатининг тўқувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қарамони Л. В. Кочетова бор.

Қирғизистон ССР делегацияси келди. Унга Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев бошчилик қилмоқда. Меҳ-

ника заводининг бош инженери М. И. Паршикура, Ўш облати Сузак районидида «Коммунизм» колхозининг раиси А. Юсупов делегация составига кирган.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Набиев юбилей таъинида келган Тожикистон ССР делегациясига бошчилик қилмоқда. Делегация составида Ленинобод облати Пролетар районидида В. И. Ленин номи колхоз раиси А. Саматов, республика «Коммунист Тажикистани» газетасининг редактори В. Н. Пешиничий бор.

Туркменистон ССР делегациясига Туркменистон Ком-

партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Г. Гапулов бошчилик қилмоқда. Чоржўй облати партия комитетининг биринчи секретари Р. Худойбердиев, Тошнов районидида «Туркменистон ССР 40 йиллиги» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қарамони С. Рўзиев делегация составида келди.

Аэропортда делегацияларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари кутиб олди.

(ЎзТАГ).

диумининг Раиси К. У. Черненконинг нутқида ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга ўзларининг бутун кучини сарфлашга интилаётганликларидан далолат берувчи фактлар билан тўлдилади.

Ўзбекистон ва бутун мамлакат ҳақида равишда фахрланаётган кишилар—Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатган учун олиб бориладиган қарорлар, Улуг Батан уруши ва меҳнат варақлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари қарсақлар остида майдонга чиқадилар.

Хореография ва спорт композициялари, шеърлар ва қўшиқлар бирин-кетини ўзгариб туради.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. М. Саъдуллаев қўйган улугвор томошанинг сўнггида томошабинларга «Дўстлик рақси» қўйиладиган.

Ун етти ярим минг киши иштирок этган спорт бадий байрами томошаси вақтида манабларда юбилей таъинида келган қардош республика меҳмонлари, Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон облатларининг делегациялари бор эди.

(ЎзТАГ).

МЕТРОНИНГ ИККИНЧИ ЛИНИЯСИ

7 декабрь куни янги линияда «Тошкент» ва «Навий» станциялари ўртасида метро поездлари юра бошлади. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги байрами арафасида 5,6 километр узунликдаги ер ости магистрალი республика пойтахти марказини темир-йўл вокзали билан боғлади. «Ташметрострой» трестининг меҳнаткашлари бу линияни ваъда қилганларидек муддатидан бир йил аввал «аъло» баҳо билан фойдаланишга тошқирдилар.

Юз минглаб йўловчилар «Навий», «Ўзбекистон», «Космонавтарлар проспекти», «Ойбек», «Тошкент» деб аталган бешта муҳташам ер ости саройини кўриб қойил қолдилар.

Зардор коллектив қийин вазифани ҳал этди. Тоннелар Тошкентнинг серморат районларидан бирини, катта-катта проспекларни, Ўзсув ва Салор аҳолиларини кесиб ўтди.

И. Лисов, В. Плешаков, Л. Токмучук, ака-ука Люстерлар тоннель қазувчи бригадаларининг, Н. Прибытосининг изоляциячи бригадаси ва бошқа бригадаларнинг шавкатли меҳнатлари тугайли муваффақиятларга эришилди.

Тошкентнинг қўлгина қурилиш ва монтаж ташкилотлари метро қурувчиларга катта ёрдам бердилар.

Тошкент метрополитени коллектив янги линия ишга туширилишидан анча олдин шу кунга тайёргарлик кўрди. Электровоз машинистларидан тортиб станция навбачиларига барча ходимлар техника мактабидида таълим олди, ишлаб турган линияда машқ қилди.

Метро янги линиясини ишга тушириш муносабати билан 7 декабрь кун «Тошкент» станциясида тантанали митинг бўлди.

Сўзга чиққанлар совет кишиларининг фаронивити тўғрисида қилаётган ғамхўрлик учун Коммунистик партияга қизгин миннатдорчилик билдирдилар. Қурувчилар коллективига миннатдорчилик сўзлари айтилди, метрополитени ишлатувчиларга меҳнатда муваффақиятлар тиланди.

...КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Совети Раиси В. И. Воронников қизил лентани қирқди.

Мана, биринчи поезд ҳам маршрут бўйлаб йўлга чиқди. Эндилкида вокзалдан «Навий» станциясигача 7—8 минутда етиб келинади.

Метрополитенининг иккинчи линияси очилишига бағишланган тантаналарда юбилей муносабати билан Тошкентга келган делегацияларнинг бошчиликларини КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари И. Д. Писарев, Қозғоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбаев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Набиев, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ДАСТЛАБКИ ЯЧЕЙКАЛАР

БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

1918 йили Тошкент уезднинг 10 та қишлоғида фирка ячейкаси тузилди, деган хабар эълон қилинди. Шулардан бири Янгиўлдининг Нибзобой қишлоғида тузилган эди. Мардикорликдан қайтиб келган Шомира Холимухамедов ячейканинг котиби этиб сайланди. Бу йўқси мардикорликда турли миллат ишчилари, рус болшевиклари билан ҳамдод бўлганини, уларнинг зулмига қарши қандай кураш олиб бораётганини ўз кўзи билан кўрган эди. Тошкент трамвай депоси ишчилари билан ҳам у яқин эди. Шаҳарда ўтказилган қўлгина митингларда қатнашган.

Янги тузилган фирка ячейкаси барча ишларга бошчилик қилди. Қисқа вақт ичидида фирка аъзолари юздан ошиб кетди. У пайтда партия аъзоси бўлиш учун қандидатлик муддати белгиланмас, қафолат талаб этилмасди. Кафолат берувчи партия аъзосининг ўзи қишлоқда йўқ эди. Рўйхатга ёзилганлар умумий мажлисда қабул қилинган. Шу босқинда ўша кезлар нолоний шахсар, ҳатто етти унсулар партия сафарлари кириб қолган эди.

Икки йилдан сўнг партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш бошланди. Дея ҳикоя қилади ветеран болшевиклардан Йўлдош ака Бобоқонов.— Ўшанда 100 нафар фирка аъзосидан фақат 30 нафари ҳақиқий деб топилиди. Бу партия сафарлари биринчи бор тозалаш эди. Шундан кейин аъзоларга вақтинчи гувоҳнома берилди.

Ветеранларнинг ёдида, ўша кезлар комсомол ячейкаси секретари Йўлдош Бобоқонов коммунист ва комсомолларни Янгиб, газеталарда босилаётган маълумотлар билан таништириб турарди. Кўнларнинг биринчи «Навий» газетасининг навбатиди сониди босилган Муромчаётномаси ўқиб, таркима қилиб берди. Бу Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг оммани аксиникилобчиларга қарши курашга даъват этувчи Муромчаётномаси эди. Дарҳол коммунистлар ва комсомоллардан иштироий жанговар отряд тузилди. Отрядга Йўлдош Бобоқонов бош бўлди.

Бунақа отрядлар барча шаҳар ва қишлоқларда тузилаётган эди. Улар босмачи шайкаларга, душман айқоқчиларига қарши курашда совет органларига катта ёрдам берди.

Холдарча қишлоғида нотанинч бир йигит пайдо бўлиб қолди.— деб эслайди Йўлдош ака.— Тўшгача у Тошқожибойнинг даласида ишларди. Кейин қаёққадир қайтиб қолди. Қошқорайғида отта нималаридир ортиб келиб, Устабоғийниқда тунардди. Дастлаб биз Тошқожибойнинг нарсаларини таниб қўргандир. Деб ўйладик. Вирок, кейинчалик тўқай томондан аравада юк олиб келадиган бўлиб қолди. Отряд аъзолари билан туғил унинг йўлини пойдилди. Аравани тинтув қилганимизда турли хил қурол-аслаҳалар чиқди.

Янговар отряднинг доворак аъзоларидан Сандавали

Хўжаев эса Ўзгас қоялари ичидида ин қуриб олган Раҳмонқул қўрбоши шайкаларини тутиб беришда актив иштирок этди. Лекин сотқинлар бу шерурак йигитни алдаб қўлга туширишга муваффақ бўлдилар. Янги ҳаёт учун курашга отланган Сандавали душманлар томонидан қатл этилди. Бу воқеа халқнинг қаттиқ газабини келтирди, унга атаб марсия ва қўшиқлар туқилди.

Қўшиқларнинг бири шундай бошланар эди:

Сандавали сой кечди,
Беҳасам тўнин ечди.
Шўрларининг йўлида
Азиз жонидан кечди.

Шундай қилиб,— деди Йўлдош ака,— ҳамма жойда ҳуррият билан азумат ўртасидаги кураш авжига минаяётган палла эди. Қўп қўрбонлар бериб бўлсада революция жангчилари қўлиб чиқардилар. Бунда фирка ячейкалари, коммунистлар ва комсомоллар етакчи роль ўйнади. Ер, отулов олган деҳқонлар аста-секин артелларга уюша бошладилар. Кейинчалик колхозлар ташкил топди. Нибзобойда дастлаб «Қизил Октябрь» колхозини тузилди. Йиллар ўтиши билан колхозлар йириндилар. Улар ҳозирги миллионлар хўжалик йилини номли колхозга биришадилар. Колхоз коммунистлар революцион айналарга содиқ қилиб меҳнатда ва сиёсий ҳаётда ҳамон активдирлар.

Тўлқин РУСТАМОВ.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ҲАҚИДА

ДЎСТЛИК ҚУЁШИ ПОРЛАЙВЕРСИН!

Шонли юбилей арафасида республикамизга қўлгина чет эл мамлакатларидан меҳмонлар келиб турибди. Қўлгина уларнинг Совет Ўзбекистони ҳақидаги таассуротлари эълон қилиняпти.

Никола ДЭВИДСОН, Бирланган Миллатлар Ташкилотига қўмаклашувчи ассоциациялар Бутунжапон федерациясининг президенти (Сейра-Леоне)

— ИГИРМА йилдан бери Ўзбекистон ҳақидаги материаллар билан қизиқиб танишиб келаман. Лекин юз марта эшитганидан бир марта кўрган афзал экан. Мен ҳам Тошкентда бўлиб меҳмондуст ўзбек халқи вакиллари билан учрашган. Ўзбекистонга мафтун бўлиб қолдим. Тошкент жаҳондаги мен кўрган энг гўзал шаҳарлардан ҳам фусунвор экан. Тошкентликлар ўз шаҳарлари билан ҳақиқий равишда фахрлансалар арзийди.

Республиканинг пойтахтининг энг нуфузли халқаро анжуманлар ва учрашувлар ўтказиладиган жойга айланган қолганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Тошкентликлар ер юзидида тинчликни мустақамлаш, барча қитъа халқлари билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш учун кўп иш қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам Тошкент устиди ҳаммиш дўстлик қўшиш порлаб турсин.

Венера ИВАНОВА-ТРОПЧЕВА, Габрово округ советининг маданият бўйича бош мутахассиси (Болгария)

— РЕСПУБЛИКАНИЗДА ҳамма нарсаси кишини дол қолдиради. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хивада шарқнинг анъанавий меъморчилиги замонавий архитектура ансамбллари билан ғоят уйғунлашиб кетган. Шаҳарларнинг Шарқ эртакларидиқдек гўзал ва жозибалидир. Мана, айниқса, Ўзбекистон халқларининг самийининг, меҳмондўстлигини ёқди. Биз қарсда бўлайлик ҳамма жойда делегациянинг аъзоларини энг аниқ меҳмонлардек таъассум билан кутиб олайлик. Бу кишилар меҳмонларга бахтиёрлик уларнинг республикаларини, ўз мамлакатларидан гурурланишларини ифода этиб туради.

Тонзун ЕНЕКО, Япония—Совет дўстлик жамиятининг Фуку префектурасидаги бўлими раиси (Япония)

— МЕНИНГ Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим. Шун айтишим керакки, япон халқи республиканизга жуда катта қизиқиш билан қарайди. Уларнинг қўнчилиги юртингизда бўлишни орау қилишди.

Ҳозир 72 ёшданам. Умрининг анчагина қисмини Япония ва СССР ўртасида дўстликни мустақамлаш ишига сарф қилдим. Биз қўшни давлатларимиз, бинобарин доимо тинч-тотув яшаб учун ҳаракат қилишимиз лозим. Бунинг учун эса бир-биримиз тўғрисида кўпроқ нарсаси билишимиз керак.

Фуку префектурасида Ўзбекистон делегацияси аъзоларини самийини кутиб олган пайтларни мамуният билан эслайман. Республиканинг юбилейи арафасида эса биз сизларнинг меҳмонингиз бўлди. Бу ерда кўрганларимиз биз таассув қилгандан анча кучли таассурот қолдирди.

Атхъа БАНУ, Деҳлидаги совет фани ва маданияти уйининг ходими (Ҳиндистон)

РЕСПУБЛИКАНИЗДА иккинчи бор бўлишим. Бу ерда биринчи марта 1971 йилда бўлган эдим. Орадан унчаки кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам, Ўзбекистонда, ҳусусан, Тошкентдаги ўзгаларини кўриб ҳайратга тушдим. Шаҳрингиз янги-янги кўп қаватли бинолар, кенг проспеклар, яшил хиебонлар билан янада кўркем бўлибди. Биз республиканингининг бошқа шаҳарларидида бўлганимизда ҳам халқингиз ҳаётиниқда жуда катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўладик.

Айниқса, ўзбек халқи вакиллариинг ўз келажакларига чуқур ишончи бизда катта таассурот қолдирди. Улар ижодкор меҳнатлари билан янада порлоқ келажак сари дадил одим отмоқдалар. Б. ГАЛИЕВ ва И. ЖАББОВЛАР ёзиб олган.

Редактор Н. НАСИМОВ.